

# БАНК АХБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 35 (1110), 2017 йил 31 август

## ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



### БАНК ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА: ЯНГИЛАНИШ, СИНОВЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги bosқичида халқимизга хизмат қилиш ҳар биримиздан эришилган ютуқлар орғига яширинишни эмас, балки мавжуд долзарб муаммолар билан ҳар кун тизимли шугулланишни тақозо этади. Зеро, ҳар бир жабҳадаги мавжуд масалаларга илғор хорижий тажриба асосида янгича ечим топиш, касбий маҳорат ва илмий салоҳиятни доимий ошириш ҳамда мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз равнақи йўлида ҳаракат қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

талабларига мутаносиб замонавий, самарали банк хизматларини тақдим этишдир. Маълумки, банкларнинг иқтисодийдаги молиявий воситачилик родини мустаҳкамлаш билан аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишга эришиш орқали пировардида халқ фаровонлигини оширишга, муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратишга хизмат қилувчи тизимни шакллантириш мумкин.

Амалда бугунги кундаги ислохотларнинг «Йўл харитаси» сифатида Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгилаб берилган иқтисодийни ривожлантириш, эркинлаштириш ва тартибга солишинг тамомла янги устувор йўналишлари хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида белгиланганидек, бугун банк тизими олдида мамлакат тараққиёти учун долзарб масалалар, жумладан, валюта сиёсати ва бозорини халқаро талаб ҳамда андозалар асо-

сида эркинлаштириш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, унга эришишда пул-кредит сиёсати инструментларининг родини кенгайтириш, банк тизими бугунги кун талабидан келиб чиқиб ислох қилиш, унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ва турини кўпайтириш каби вазифалар турибди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва долзарблиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам қайд этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг июль ойида Халқаро валюта фонди миссиясининг баёноти-тришининг Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси асосланган расмий органларнинг иқтисодийни ислох қилиш бўйича комплекс режаларини маъқуллаши, мазкур режаларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши иш ўринлари барпо этилиши ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш салоҳияти сезиларли даражада ошишига шароит яратиши алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

### Аҳолига айём туҳфалари

Тижорат банклари томонидан байрам ва тантаналар арафасида янги хизматларни ишлаб чиқиш анъанага айланган.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан ҳам молия муассасалари кенг аҳоли қатлами ҳамда ўз мижозларини хушнуд этиш мақсадида қатор жозибадор омонатларни жорий этди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Мустақиллик туҳфаси» ва «Олтин қуз» номли янги омонат турларини амалиётга киритди.

Бунда «Мустақиллик туҳфаси» депозитининг сақлаш муддати 4 ва 6 ой бўлиб, унга маблағ нақд пул кўринишида ва пластик карточка орқали (бошланғич бадалнинг минимал миқдори – 1 000 000 сўм) қабул қилинади.

(Давоми 13-бетда).

### Банкдан байрамона омонат

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан юртдошларимиз учун янги, қулай ва жозибадор бўлган миллий валютадаги «Истикбол» мuddатли омонат тури жорий этилди.

«Истикбол» омонатига маблағлар 1 йил мuddатга қабул қилиниб, ушбу омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижозлар истагига кўра ойма-ой ёки омонат мuddати якунида тўлаб берилади. Омонат бўйича бошланғич бадал миқдори чекланмаган. Омонатга кўшимча маблағлар киритиш имконияти мавжуд.

– «Туронбанк» АТБ истиқлол йилларида молия хизматлари бозорига доимий ривожланиб, барқарор муассаса сифатидаги ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлаб келмоқда, – дейди банкнинг Пул муомаласи департаменти бошқарма бошлиғи Имомкул Аҳмедов. – Ҳозирда банкимизнинг республика бўйлаб 18 та филиали ва 28 та ми-

ни-банк орқали мижозларга барча турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Хусусан, банк томонидан жорий қилинган янги мuddатли омонат тури ҳам юртдошларимиз учун Мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрамига туҳфа сифатида ишлаб чиқилди. Зеро, банкимиз мижозлари омонатларимиздан самарали фойдаланиб, кўшимча даромадга эга бўлишмоқда. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, «Туронбанк» АТБдаги омонатларнинг тўланиши Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан тўлиқ кафолатланган. Бу ҳам аҳоли ўртасида банкимиз омонатларига бўлган қизиқиш янада ортишида муҳим ўрин тутмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.



Халқимиз учун энг муборақ ва энг қадрли байрам – мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги республикамиз иқтисодийнинг барча соҳаларида бўлгани каби банк тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилаётган бир шароитда кутиб олинмоқда.

Банк тизимидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг сифат жиҳатдан янги даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур барқарор макроиқтисодий ва қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, халқимиз эҳтиёжи ва

# БАНК ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА: ЯНГИЛАНИШ, СИНОВЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мазкур ислохотларнинг яна бир ўзига хос жиҳати амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мамлакат тараққиётини жадаллаштиришга нечоғли хизмат қилиши ва мамлакатимиз аҳолисининг кундалик ҳаётига қандай таъсир ўтказиши бугунги кундаги асосий баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилиши ҳамда мавжуд муаммоларнинг очiq ва танқидий таҳлил қилинишида намоён бўлмоқда.

**Айни пайтда курс тебранишлари ва инфляция даражаси ошишининг олдини олиш, иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар ҳамда кредитлаш ва пул массаси ҳажми ўсиши суръатларини пасайтириш Марказий банк олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларни бажариш йўлидаги муҳим тадбир сифатида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси оширилди. Қайд этиш жоизки, қайта молиялаш ставкаси оширилиши жорий йилнинг дастлабки ойларида кузатишган инфляцион босим ва кутилмаларни пасайтириш имконини берди.**

Шу ўринда, пул-кредит соҳасидаги ислохотлар ва банк тизими олдида турган долзарб вазифаларга тўхталар эканмиз, таҳлил ва мулоҳазаларни мамлакатимиз тараққиёти, жумладан, тадбиркорлик ва инвестицион фаолият учун зарур шароит ҳамда қулай иқтисодий муҳитни яратишда устувор аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда барчанинг диққат-эътиборида турган валюта сиёсати ва бозорини эркинлаштириш масаласидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

## ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

Даставвал таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда амалга оширилган валюта сиёсати ташқи иқтисодий фаолият соҳасини такомиллаштириш борасида қўрилган чоралар билан бирга иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш секторини ривожлантиришда ўзига хос ўринга эга эди.

Хусусан, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан босқичма-босқич девальвация қилиб борилиши тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини прогноз қилишдаги ноаниқликларни камайтириш ҳамда иқтисодиётни диверсификациялаш ва ривожлантириш учун хорижий кредитларни жалб қилишда афзалликлар яратишга қаратилган эди.

Хориждан молиявий маблағлар жалб қилиш ва капитал ҳаракати билан боғлиқ бошқа операцияларни амалга оширишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш учун замин яратди. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, ташқи бозорларда рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бориши ҳамда асосий савдо шерикларимиз ҳисобланган давлатларда амалга оширилаётган алмашув курси сиёсати таъсирида юзага келган қўрсаткич вазиятда олиб борилаётган валюта сиёсатининг мамлакатимизни жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадларига ва бугунги кун талабларига мос келмаётганлиги аён бўлди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб

чиқиш шу вақтгача амалга ошириб келинган валюта сиёсатини қайта кўриб чиқиш, илғор жаҳон тажрибаси ва бозор механизмлари асосида уни эркинлаштиришни тақозо қилмоқда. Валюта муносабатларига ҳаддан зиёд аралашув, иқтисодиётнинг муайян соҳалари ва тадбиркорлик субъектларига имтиёз ҳамда преференцияларнинг жорий этилганлиги, ташқи савдо ва тадбиркорлик фаолиятини юритишда юзага келган тенгсизлик ҳолати бугун ривож-

ланиш йўлидаги асосий тўсиқлардан бирига айланган.

Шу ўринда ташқи муҳитга мослаштирилмаган курс сиёсати экспорт қилувчи корхоналар шароитини мураккаблаштириб, экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати самарадорлигини ошириш имкониятини чеклаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда валюта сиёсатини эркинлаштириш юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютани эркин харид қилиш ҳамда сотиш, миллий валютанинг айирбошлаш курсини фақат бозор механизмлари ёрдамида аниқлаш, экспорт ҳажмини ва маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур тадбиркорлик муҳити, инвестицион иқлимни яхшилаш борасидаги муҳим омил сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юзага келган вазият ҳамда республикада барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва ривожланиш учун қулай муҳит яратиш борасидаги масалаларнинг ўзаро боғлиқлиги инobatга олиниб, Ҳаракатлар стратегиясида валюта бозорини эркинлаштириш, экспортни қўллаб-қувватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш ҳамда тижорат банклари томонидан хорижий валютанинг эркин сотилишини жорий этиш борасида тегишли вазифалар белгиланди. Ва бугун бу борада олиб борилаётган ишлар тобора жадаллашмоқда.

Хусусан, ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этувчи ўҳужалик юртивчи субъектлар томонидан бозор курсида валюта айирбошлаш операцияларининг қонуний ва қулай йўл билан амалга оширилиши имкониятларини кенгайтириш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3157-сонли «Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришдаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорига мувофиқ, жорий йил 1 августдан бошлаб товар ва хизматларни экспортга сотишдан олинган хорижий валютатадаги тушумнинг 25 фоизини ваколатли банкларга мажбурий

сотиш борасидаги талабнинг бекор қилиниши валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган сезиларли қадам ҳисобланади.


Айни пайтда курс тебранишлари ва инфляция даражаси ошишининг олдини олиш, иқтисодиётдаги инфляцион кутилмалар ҳамда кредитлаш ва пул массаси ҳажми ўсиши суръатларини пасайтириш Марказий банк олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларни бажариш йўлидаги муҳим тадбир сифатида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси оширилди. Қайд этиш жоизки, қайта молиялаш ставкаси оширилиши жорий йилнинг дастлабки ойларида кузатишган инфляцион босим ва кутилмаларни пасайтириш имконини берди.

Ўз навбатида, Халқаро валюта жамғармаси миссияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш ҳисобида пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилишини ижобий баҳолади.

матларининг сифати ва кўламини ошириш каби устувор вазифаларни қамраб олган.

Бугун энг аввало, пул-кредит сиёсатини бозор механизмлари асосида олиб бориш ва очiq бозордаги операциялар ўрнини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўз навбатида, бу фоиз инструментларини такомиллаштириш ва давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини таъминлаш учун зарур шароитлар шакллантирилиши билан узвий боғлиқдир.

Яна бир муҳим масала – иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида монетар ва фискал сиёсатини ўзаро уйғунлаштиришдир. Мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсат давлат бюджетининг мувозанатлашганлигида, пул массаси ҳаддан зиёд ўсишини чеклаш ҳамда ислохотлар шароитида тижорат банклари ва базавий тармоқлар корхоналарининг фаолиятини қўллаб-қувватлашда намоён бўлади.



Умуман олганда, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган иқтисодиётни ислох қилишнинг устувор вазифалари, жумладан, валюта сиёсатини эркинлаштириш ва илғор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш борасида амалга оширилаётган тизимли тайёргарлик ишлари натижа-сида валюта бозорини либераллаштириш учун зарур шароит яратилиб, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олди олинмоқда.

Валюта тизимини ислох қилиш экспорт, иқтисодий ўсиш ва бандлиқни ошириш имкониятларини кенгайтириш билан бирга иқтисодиётда нархлар ўзгаришини самарали назорат қилишни таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатининг янги тамойиллари ва механизмларини йўлга қўйишни тақозо этади. Бу борада ишлаб чиқилган тегишли чора-тадбирлар комплекси миллий валюта ва ички нархлар барқарорлигини таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш, пул-кредит сиёсати ҳамда унинг инструментларини такомиллаштириш, жамоатчилик билан мулоқотни, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банк хиз-

## ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ВА НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИгини ТАЪМИНЛАШ

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш бўлиб, унинг фаолияти нархлар барқарорлиги ва инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлишига эришиш билан бирга юқори иқтисодий ўсиш учун қулай молиявий шароитни яратишга қаратилган.

Маълумки, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳоли реал даромадлари, турмуш ҳамда истеъмол даражаси пасайишининг олдини олиш билан бирга тадбиркорлар учун узоқ муддатли сарможаларни киритишга қаратилган инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи қулай муҳитни юзага келтириш орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Бу борадаги муҳим вазифаларни бажариш ва Марказий банкнинг бош мақсадида эришишни қўзлаган ҳолда келажакда пул-кредит сиёсатининг инфляцияга таргетлаш усулига ўтиш режалаштирилмоқда.

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА: ЯНГИЛАНИШ, СИНОВЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Қайд этиш жоизки, республикада ҳозирги кунга қадар пул-кредит сиёсатини юритишда монетар таргетлаш режими амал қилмоқда. Бунда пул базаси ва пул массаси мос равишда пул-кредит сиёсатининг операцион ва оралиқ мақсадлари бўлиб хизмат қилади. Пировард мақсад – инфляциянинг прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлашдир. Бу, табиийки, пул базаси ва пул массаси ҳажмига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилолмоқда. Аммо таҳлиллар кўрсатишича, кейинги йилларда пул

ни шакллантириш, уни қўллаш борасида тегишли вазирлик ва идоралар, илмий тадқиқот марказларининг етакчи халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур.

Шу ўринда, ўрта мuddатли истиқболда республикада монетар сиёсатнинг инфляцион таргетлаш режими га ўтиш ва ҳозирдан ушбу механизмга ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда тегишли тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш борасида чоралар кўрилаётганини қайд этиш лозим.

Янги иқтисодий шароитда юритиладиган Марказий банк пул-кредит сиёсатидаги ёндашувнинг яна бир ўзига хос хусусияти аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар билан мулоқот ҳамда коммуникацион каналлардан кенг фойдаланишда акс этади.

Бунда инфляцион кутилмаларни жиловлаш мақсадида Марказий банк ўз фаолиятининг шаффофлигини оширади. Амалда бу ёндашув Марказий банк вакилларининг иқтисодиётда юзага келган вазият, пул-кредит соҳасида қабул қилинган

Бошқача айтганда, бугун ички бозордаги нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси инфляциянинг барча омилларини инобатга олувчи комплекс ёндашув ва чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо қилиши кенг эътироф этилмоқда.

Бундай ёндашув Президентимизнинг 2017 йил 23 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3082-сонли Қарориди ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар билан биргаликда банк тизими олдида инфляция жараёнлари ва кутилмаларини пасайтириш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган таъсирчан чора ҳамда механизмлар ўз аксини топганлигини қайд этиш лозим.

Белгиланган ушбу чора-тадбирларнинг тегишли вазирлик ва идоралар билан тизимли амалга оширилиши ҳамда макроиқтисодий барқарорлик ва бизнес учун қулай муҳитни яратиш мақсадидаги ҳаракатларнинг уйғунлиги, мутаносиблигини таъминлаш бугунги долзарб вазифаларни тўлақонли бажариш имконини яратади.

### БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИЛГОР БАНК АМАЛИЁТИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичида макроиқтисодий барқарорликнинг муҳим омилларидан бири банк тизими мустаҳкамлиги эканлигини инобатга олган ҳолда бу борада амалга оширилган ишлар ва истиқболли режаларга ҳам тўхталсак.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга ҳукуватимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июнда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066-сонли Қарори муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Мақзур Қарор ижроси тижорат банкларининг устав капиталларида давлат улуши 500 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдориди оширилиши орқали тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этди. Ва бу инвестицион лойиҳалар ҳамда тадбиркорлиқни молиялаштиришда банклар иштирокини кенгайтириш имконини яратди.

Мақзур тадбир тижорат банкларининг умумий капитали ва жами активлари сезиларли даражада ўсишига олиб келди. Айни қадимнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, банкларимиз валюта курси сиёсатининг янги шароитларига молиявий жиҳатдан мустаҳкам кириб борди ва улар ушбу ислохотлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий омиллар оқибатининг олдини олиш имкониятига эга бўлади.

(Давоми 4-бетда).



массаси ва инфляция даражаси динамикаси ўртасидаги боғлиқлик сусайди ва бундан кейин ушбу монетар таргетлаш усулидан фойдаланиши давом эттириш пул-кредит сиёсати самарадорлиги пасайишига олиб келиши мумкин.

Инфляцион таргетлаш бугунги кунда 30 дан ортиқ мамлакатлар марказий банклари томонидан ички нархлар барқарорлигини таъминлашда пул-кредит сиёсатининг самарали усулларидан бири сифатида қўлланилмоқда. Бунда пул массаси ўсиши ҳамда айирбошлаш курси бўйича қатъий мўлжаллар белгиланмайди. Бироқ ушбу кўрсаткичлар динамикасида кескин тебранишлар юзага келган ҳолларда уларни бартараф этиш ва барқарорлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан чекланган ҳажмдаги интервенция чоралари кўрилиши назарда тутилади.

Таъкидлаш лозимки, инфляцион таргетлаш режимига ўтиш ва унинг самарали ишлаши учун Марказий банк ўз инструментларини қўллашда мустақил бўлиши, ривожланган молия бозори, жумладан, давлат қимматли қоғозлари бозорининг шаклланиши, инфляция, иқтисодий ўсиш ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича аниқ ва тезкор маълумотлар базаси мавжуд бўлиши талаб этилади. Шунингдек, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар, хусусан, инфляция ва иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш, моделлаштириш ҳамда прогнозлаштиришнинг республика амалиётига мос замонавий усуллари, методологияси-

Масаланинг яна бир жиҳати таъкидланган асосида фоиз сиёсатини такомиллаштириш мақсадида келгусида Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида асосий ставка ва фоиз коридори нинг жорий этиш режалаштирилмоқда. Ушбу режаларнинг амалга оширилиши, асосан, трансмиссион фоиз каналининг таъсирини кучайтириш билан бирга банк тизимидаги ликвидликни бошқаришда аниқлик ва мосланув-

барқарорлигини сабаблари ва улардан кўзланган асосий мақсадлар, кутилмалар ҳақида кенг жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа мулоқот каналлари орқали хабардор қилиб боришида намоён бўлади.

Юқорида таъкидланган чора-тадбирларнинг аниқ ва изчиллик билан амалга оширилиши бозор механизмларига асосланган Марказий банк инструментларидан фойдаланиш кўлами ҳамда таъсирини кенгайтириш орқали мамлакатда макроиқтисодий

**Ишлаб чиқилган тегишли чора-тадбирлар комплекси миллий валюта ва ички нархлар барқарорлигини таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш, пул-кредит сиёсати ҳамда унинг инструментларини такомиллаштириш, жамоатчилик билан мулоқотни, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банк хизматларининг сифати ва қўламини ошириш каби устувор вазифаларни қамраб олган.**

чанликни ошириш ҳисобига мақсадли пул-кредит сиёсатини олиб бориш имкониятини кенгайтиради.

Монетар сиёсат фоиз каналининг таъсирини оширишда Марказий банкнинг тижорат банкларига ликвидлик бериш операцияларидан фаол фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу операциялар ҳамдини ошириш банклараро кредит бозориди ҳамда тижорат банкларининг ўз миқозлари билан амалга оширадиган депозит ва кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларини мақсадли кўрсаткичларга яқинлаштириш имконини бериши кутилмоқда.

барқарорлик ва ўсишни таъминлаш жараёнида пул-кредит сиёсати ролинини сифат жиҳатидан юқори даражада кўтариш имконини беради.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, амалиёт глобаллашуви шароитида халқаро бозорлардаги талаб ва қўллаб мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, юқори даражадаги ўзгарувчанлик ҳамда ноаниқликлар мавжуд бўлган вазиятда фақат Марказий банкнинг монетар сиёсат инструментлари ёрдамида макроиқтисодий ва нархлар барқарорлигини таъминлаб бўлмамлигини кўрсатмоқда.

# БАНК ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА: ЯНГИЛАНИШ, СИНОВЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

*(Давоми. Бошланиши 3-бетда).*

Шу билан бирга, тижорат банкларини молиявий соғломлаштириш ва бунда банк назоратининг пруденциал чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги дастлабки амалий қадамлардан бири сифатида лаҳзали ликвидлик коэффициенти<sup>1</sup> бўйича талабнинг жорий этилиши ва унинг жорий йил охиригача босқичма-босқич 20 фоизгача ошириб борилиши ҳам тижорат банклари томонидан эҳтиёткорона молиявий фаолият юритишни талаб этади.

Шу аснода банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва тўловлар узлуксизлигини таъминлаш борасида Марказий банк томонидан амалга оширилаётган операциялар ҳақида сўз юритиш ўринлидир.

Таъкидлаш кераки, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш инструментлари, хусусан, таъминотсиз ва чет эл валютасини гаровга олган ҳолда кредитлар бериш ҳамда валютавий СВОП операциялари қисқа давр ичида ўз долзарблиги ва талабгорлигини намён эта олди. Жорий йилнинг фақат июль-август ойларида тижорат банкларига берилган қайта молиялаш кредитлари суммаси 800 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этиш ушбу фикрнинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, тижорат банклари ликвидлигининг барқарорлигини таъминлашда хорижий амалиётда кенг фойдаланиладиган операцияларни республикамизда жорий этиш ва ўз амалиётларимизни юзга келган вазиятни инобатга олган ҳолда давомий равишда такомиллаштириб бориш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борадаги режаларимиздан замонавий ҳамда қулай шаклларда кредит ва депозит аукционларини ўтказишни йўлга қўйиш, мажбурий резерв талаблари механизмни тубдан қайта кўриб чиқиб, уни иқтисодий циклларнинг салбий таъсирини камайтиришга йўналтирган ҳолда такомиллаштириш каби вазифалар ўрин олган.

Келгусидаги режалар сирасига банк тизимини институционал ривожлантириш, бошқарув ва банк хатарларини баҳолашни такомиллаштиришни назарда тутувчи бир қатор чоралар ҳам киритилган. Таъкидлаш жоизки, бу борада алоҳида эътибор тижорат банкларининг молиявий ҳисоботлари сифатини оширишга қаратилади. Бунда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ, тижорат банклари молиявий активларини баҳолаш ва таснифлаш бўйича янги талабларни киритиш масаласи кўриб чиқилаётганини келтириб ўтиш мумкин.

Айни пайтда банк тизимида режалаштирилган ислохотлар тижорат банклари барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришишни кўзда тутаяди.

Илғор хорижий тажриба асосида банк фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тижорат банкларини назорат қилишда

халқаро талаблар даражасидаги янги иқтисодий нормативларни жорий этиш ишларини ҳам амалга ошириш доимий эътибордаги масала бўлади. Жумладан, «Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чоратадбирлар» мажмуасида назарда тутилган Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари давом эттирилади.

Бу борадаги фаолиятга тўхталар эканмиз, Халқаро молия корпорацияси билан кредит-ахборот хизматлари сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчилари таркибига танлов асосида Италиянинг «CRIF» халқаро кредит бюроси жалб этилганлигини қайд қилиш мумкин.

аҳамият касб этувчи соҳалар ривож учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилаётир. Шу маънода банк тизими олдида турган долзарб масалалардан бири – аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш вазифаси доимий эътиборда бўлиши лозим.

Бу борадаги режаларимиз мижозларнинг эҳтиёжларини доимий мониторинг қилишни ташкил қилиш, уларга индивидуал ёндашиш, банк хизматларини кўрсатиш маданиятини ошириш билан бир қаторда ахборот технологиялари янада кенгроқ жалб қилинишини кўзда тутаяди. Зеро, шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари асрида мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш ва банк хизматларини автоматлаштириш масаласи бугунги кундаги энг устувор йўналишлардан биридир.

Хусусан, келажакда амалга киритилиши кўзда тутилган замонавий хизматлар ичида Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат солиқ

яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканини эътироф этиш жоиз.

Банк хизматлари сифатини янада яхшилаш ва янги, замонавий банк хизматларини жорий этишда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, жумладан, пластик карталар қўллаган ҳолда электрон тўловларни амалга оширишда қулайлик ва шаффофликни ошириш борасидаги ишлар келгусида ҳам тизимли равишда давом эттирилади. Хусусан, бугунги кунда ушбу хизмат турларининг сифати, тезлиги, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мазкур ҳисоб-китоб воситалари ишлашига хизмат кўрсатувчи чакана тўлов тизимлари имкониятлари ва фаолияти самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, банк пластик карточкаларининг функционал имкониятларини кенгайтириш ва чакана тўловлар жараёнини арзонлаштириш мақсадида «GlobUzCard»



Бундан ташқари, ҳозирги кунда тижорат банкларининг барча филиаллари Интернет тармоғи орқали «dabov.uz» сайтига улашиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида ташкил этилган «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси маълумотлар базасидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу гаров муносабатларига тегишли барча ахборотларни фаолиятда доимий ва тезкор қўллаш ҳамда тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради.

Ислохотлар ҳақида сўз юритар эканмиз, мамлакатимиз аҳолисига замонавий банк хизматларини тақдим қилиш борасидаги янги тизимни шакллантириш ҳам устувор аҳамиятга эга эканини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари ва уларнинг филиаллари сони ортиши мамлакатимизда аҳолисининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтирмоқда. Қолаверса, замонавий банклар фаолияти алоҳида

идоралари тизимларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали мижозларнинг шахсини автоматик тарзда аниқлаш ҳамда уларнинг даромадлари ҳақидаги ахборотни Халқ банкининг пенсия тизимидан автоматик олишни ташкил қилиш йўли билан мижозлар томонидан маълумотномалар тақдим қилиш талабидан воз кечиш назарда тутилганини мисол қилиш мумкин.

Бу борадаги навбатдаги қадамлардан яна бири давлат хизматларини кўрсатувчи идораларнинг биллинг тизими Марказий банк ҳисоб-китоб клиринг тизими билан интеграциялашувини таъминлаш орқали турли хилдаги давлат божлари ва тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш ва ушбу давлат хизматларидан тезкор фойдаланиш имконияти яратилишидир.

Бундай лойиҳалар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган «Электрон ҳуқумат» тизимининг имкониятларини кенгайтириш ва халқимиз учун қўшимча қулайликлар

банклараро универсал чакана тўлов тизими ва Ягона Халқаро процессинг маркази фаолияти йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Келгусида худудлардаги ҳўжалик субъектларини тўлов терминаллари билан таъминлаб бориш ва уларнинг узлуксиз ишлашини назоратга олиш, пластик карточкалар фаолият кўламини кенгайтириш, мижозлар учун қулай жойларда банк-комат ва инфокиоскларни жойлаштириш ишларини жадаллаштириш орқали юртимиз аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш ҳамда улар учун қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳақиқатда кунларда йўлга қўйилган яна бир янги банк хизмати, яъни жисмоний шахслар иш жойидан оладиган ўртача иш ҳақининг 3 бараваригача бўлган суммада 12 ойгача бўлган муддатга шартнома асосида овердрафт кредитларини олиш имконияти яратилганлиги банклар фаолиятида халқ манфаатлари устуворлигига алоҳида аҳамият қаратилаётганининг тасдиғидир.

<sup>1</sup> Лаҳзали ликвидлик коэффициенти банк кассасидаги нақд пул ҳамда унинг Марказий банкдаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан мажбурий захира ҳисобварағи) суммасини талаб қилиб олгунча бўлган мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади.

## ТАРАҚИЁТ ОДИМЛАРИ

# БАНК ХИЗМАТЛАРИ ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА: ЯНГИЛАНИШ, СИНОВЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

## МАМЛАКАТ ТАРАҚИЁТИДА БАНК ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Қайд этилганидек, банк тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан асосий мақсад, банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш билан улар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишига эришиш ҳисобланади.

Амалда бу вазифа тижорат банклари томонидан йирик корхоналар, ки-

бўйича истиқболли лойиҳаларга, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган дастурларга ҳамда бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурларига қаратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётдаги таркибий

да изчиллик билан давом эттириш заруратини белгилайди.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кенг қатламларини микрокредитлаш тизимини янада соддалаштириш борасидаги Қарорига асосан, жами 4 900 дан зиёд аҳоли пунктларидаги 6 млн. 130 мингдан ортиқ хонадон ўрганилиб, 2 трлн. сўмлик 300 мингга яқин кредитлар ажратилганлиги бу борада амалга оширилаётган ва келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг қўламини акс эттиради.

Шу ўринда, яқинда ташкил этилган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз.

Маълумки, мустақиллик йилларида хусусий ва ижара мулкка асосланган тадбиркорлик шаклланиб келди ва уни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, ушбу секторнинг ялпи ички маҳсулот, аҳоли бандлиги ва экспортдаги улуши сезиларли даражада ошишига эришилди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари олдида ҳозирги пайтда кредит олишда таъминот тақдим этиш имкониятлари етарли даражада эмаслиги, янги ташкил этилган корхоналарда кредит бўйича фоизларни қайтаришда муайян молиявий қийинчиликлар мавжудлиги, шунингдек, кредитга бўлган талаб мавжуд имкониятлардан ортиқлиги туфайли айрим вазиятларда тадбиркорларнинг тезкорлик билан кредит олиш имконияти чекланиши ҳолатлари юзга келмоқда.

Бундан ташқари, ҳукумат қарорлари асосида ўртача бозор даражаси ва ресурс қийматидан паст фоизларда кредитлар берилиши тижорат банкларининг кредит ресурслари учун фоиз тўловлари қопланмай қолишига ва бу банкларнинг рентабеллиги ҳамда молиявий ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлаётган эди.

**Банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июнда қабул қилинган «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066-сонли Қарори муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.**

Шундай шароитда мамлакатимизнинг банк хизматлари бозоридаги ушбу муаммоларга республика раҳбарияти томонидан эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва республика молия-банк тизими фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадлари янги жамғарманинг тузилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ушбу жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ўз маблағлари ва хорижий кредит ли-

ниялари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар ажратиш, кредитлар бўйича кафилилик бериш ва фоиз харажатларини қоплаш орқали амалга оширилади. Бунда биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш борасида ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда республика банк тизимига кенг қўламли ва стратегик аҳамиятга эга вазифалар юклатилган. Табиийки, уларнинг ечими кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги банклар янгилашишга тайёр эканлиги ҳамда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган синовлардан муваффақиятли ўта олиши билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, ислохотларнинг якуний натижаси тизимда фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассисларнинг ватанпарварлиги, илмий салоҳияти, касбий маҳорати, янгилашишларга тайёр туриши, умуман, сифат жиҳатдан янги талабларга жавоб бера оладиган даражага чиқа олиши билан баҳоланади.

Шу нуқтаи назардан, банк тизими олдида турган устувор вазифалар негизда инсон омилли, яъни банк тизимидаги илғор хорижий тажриба асосида мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг доимий ва тизимли равишда етакчи маҳаллий ҳамда хорижий таълим муассасаларида, халқаро молиявий ташкилотларда касбий маҳоратини ўстириш, тижорат банкларининг халқаро сифат стандартларини киритиши ҳамда уларнинг ҳодимларини халқаро тан олинган сертификатлар олишни рағбатлантириш ва ўз устидан изчил меҳнат қилиш муҳитини яратиш масаласи етишини инобатга олиб, бу борада олиб бориладиган амалий ишларга устувор аҳамият берилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафа-



чик бизнес субъектлари ва аҳолини кредитлаши, ҳисобварақлардан тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаши ва кўрсатиладиган бошқа турдаги банк хизматлари сифатида намоён бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу борада республика миз тижорат банклари ўзига юклатилган вазифаларни изчиллик билан бажармоқда.

Хусусан, жалб қилинган ресурсларнинг кредит маблағлари сифатида иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги натижасида банклар томонидан ўтган давр мобайнида ажратилган кредит қўйилмалари юқори суръатларда (35 фоиз) ошиб, уларнинг асосий қисмини устувор равишда инвестицион ва аҳолининг реал даромад манбаларини яратиш мақсадларига йўналтирилган кредитлар ташкил қилди.

Ўз навбатида, банкларнинг инвестицион фаолияти 2017 йилги Инвестиция дастури, жумладан, энгил санаят, фармсаноат, чарм-пойабзал ҳамда бошқа санаят тармоқларини модернизация қилиш ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги банк тизимининг республика тараққиётидаги ўрнини акс эттиради.

Ўтган даврда молиялаштирилган лойиҳаларни таҳлил қилар эканмиз, асосий эътибор рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида кенг қўламли ва катта ҳажмдаги капитал маблағларини талаб этувчи дастурлар ҳамда устувор вазифалар белгиланганлиги республика банк тизими мазкур лойиҳаларни молиялаштириш чора-тадбирларини кучайтириш бўйича янада изчил иш олиб бориши кераклигини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, келгуси 5 йилда республикада минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. АҚШ доллари тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳамда унинг ҳисобидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5 бараварга кўпайтириш вазифасини бажаришда тижорат банкларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Тижорат банклари фаолиятидаги яна бир устувор йўналиш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ривожланишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўта муҳим аҳамият касб этиши бугунги кунда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун микрокредитлар ажратишни соддалаштиришни амал-

## Иқтисодиётимиз ривожининг кафолати

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, жорий йил 12 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишдаги маъ-

рузасида партиялар тегишли вазирлик ва қўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга ошириш зарурлиги таъкидланганди.

Шулардан келиб чиқиб мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва саноат тармоқларини фаол диверсификация қилиш – мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш кафолати» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар, қўмиталар ва ташкилотлар-

нинг вакиллари, соҳа экспертлари ва олимлар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини янги технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш энг долзарб масалалардан бири эканлиги қайд этиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига саноатнинг юқори технологияларга асосланган тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

– Ҳаракатлар стратегиясида минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қутлимурод Бабашев. – Шунингдек, 2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш натижасида 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади. Пировард натижада, келгуси беш йилда республикаимизда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,5 бараварга, унинг ЯИМдаги улуши – 33,6 фоиздан 36 фоизга, қайта ишловчи тармоқларнинг саноатдаги улуши – 80 фоиздан 85 фоизга ўсиши таъминланиши билан бирга саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартиришга эришилади.

Иштирокчилар томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва маҳсулотни реализация қилишда ортиқча тўсиқларнинг мавжудлиги айтиб ўтилди. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларига қўйиладиган талабларнинг халқаро стандарт талабларига мос эмаслиги, айрим турдаги маҳаллий хомашёдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, норуда конларидан фойдаланишга лицензия олиш жараёнининг кўп вақт талаб қилиши каби муаммоларнинг борлиги таъкидланди.

Депутатлар маҳсулот турларини кўпайтириш жараёнида тадбиркорлар олдига юзага келаётган муаммоларни бартараф этишда фойдаланилмаган захиралар ва имкониятларнинг мавжуд эканлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давра суҳбати якуни бўйича муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бекзод АКРОМОВ.

Реклама

**XALQ BANKI**

**АТ Халқ банки жамоаси**  
*барфа юрғдошларимизни*  
*Она Ватанимиз Мустақиллигининг*  
*26 йиллик байрами*  
*билан ён қўнимдан муборақбод этади.*  
*Осмонимиз мусаффо,*  
*мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

Ягона телефон рақами: (+99871) 200-00-55  
 www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама



# AGROBANK

**жамоаси**

*юртдошларимизни энг улуг, энг азиз айём*

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз  
ҳаёти фаровон бўлишини тилаб, банк ўзининг  
хизматларини таклиф қилади.*

*Хусусан, «СПК Жамғарма» ва «СПК Муддатли» номли  
пластик картада жамғариладиган омонат турлари орқали  
сиз ўз маблағларингизни кўпайтириб боришингиз мумкин.*

*Ушбу омонат турлари ва бошқа банк хизматлари ҳақидаги  
қўшимча маълумотларни agrobank.uz сайтидан ёки  
банкнинг жойлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.*



# 26

**ФИДОЙИНГ  
БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ,  
ЎЗБЕКИСТОН!**

Хизматлар лицензияланган.

## Ишбилармон аёллар сараланди

– Бундан йигирма уч йил аввал банкдан 7,5 млн. сўм миқдорда кредит олиб, ўз бизнесимни бошлаган пайтимда ҳозиргидек йилга 270-300 млн. сўм соф фойда олиш ҳаёлимга ҳам келмаган, – дейди «Ишбилармон аёл» кўрик-танловининг республика бўйича мутлақ ғолиби, карманалик тадбиркор Дилором Астонова.

Дарҳақиқат, бугунги кунда орамизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланаётган ишбилармон аёллар талайгина.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (O'zLiDeP) томонидан ўтказилган «Ишбилармон аёл» кўрик-танлови иштирокчилари билан суҳбатлашиш чоғида бунга гувоҳ бўлдик.

Хусусан, танловнинг 3-ўрин соҳибаси Раъно Бобоева ҳам ўтган йили иссиқхона барпо этиш учун «Ипак йўли» акциядорлик тижорат инновация банкидан 100 млн. сўм миқдорда кредит олган.

– Банк кредитини беминнат хизмат деб биламан, – дейди **Р.Бобоева**. – Олган қарзингизни яхлит ҳолатда эмас, балки бўлиб-бўлиб, узоқ муддат ичида тўлаб борасиз. Бу биздек ойлик, кундалик, ҳатто сониялик даромадга кўз тиккан тадбиркорлар учун айни муддаодир. Танлов хусусида тўхталиб, «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» номли тадбирда қатнашининг ўзи бир шараф эканлигини таъкидламоқчиман. Ғолиблар сафида туриб, бундан кейин ҳам ўз фаолиятимни ривожлантириш орқали жамиятга муносиб ҳисса қўшиш учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.

O'zLiDeP томонидан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган танлов асносида мана шундай зийрак ва тадбирли 15 мингдан зиёд ишбилармон аёллар фаолияти билан ақидан танишишга муваффақ бўлдик.

(Давоми 9-бетда.)

## Тадбиркорларни ҳимоялашнинг янги механизми

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг янги тартиб-тамоийллари: тажриба, амалиёт ва муаммо» мавзuida сўнгги икки ой мобайнида бажарилган ишлар сарҳисобига бағишланган анжуман ўтказилди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 июндаги «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида Савдо-саноат палатасининг вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатлари кенгайтирилиб, у том маънода тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб иш юритадиган, биз-

нес фаолиятида дуч келаётган муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам берадиган ташкилотга айлантирилди.

Тадбирда ўтган даврда республикаимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мулк муҳофазаси ва дахлсизлиги кафолатларини таъминлаш, инвестициявий иқлим ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилгани, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишнинг янги тизими йўлга қўйилгани таъкидланди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Палатага келиб тушган ишбилармонларнинг муурожаатлари кўриб чиқилиб, 13 654 та шикоят аризаси судларга тақдим этилди. Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий

бошқармалари ҳузурида ташкил қилинган ҳакамлик судлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида даъво ҳажми қарийб 22 млрд. сўм бўлган 700 дан ортиқ иш кўриб чиқилди.

Тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнларига кенг жалб қилиш мақсадида Палата қошида муқобил энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, ташқи иқтисодий фаолият, транспорт, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, банк-молия масалалари, савдо, қурилиш, саноат, илм-таълим ва ҳуқуқ ҳудудларида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш каби масалалар бўйича эксперт кенгашлари ташкил этилди.

(Давоми 14-бетда.)

## «Трастбанк»: ходимлар малакаси оширилди

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкида «Ташқи савдо фаолияти ва валюта операцияларини амалга ошириш» мавзуида семинар ўтказилди.

Семинар банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти томонидан Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда Ҳазначилик департаментлари билан ҳамкорликда филиал ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилди. Унда ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операцияларини амалга ошириш бўйича фаолият юритувчи барча мутахассислар иштирок этди.

Тадбир бир неча босқичда ўтказилди. Аввалига ҳар бир мавзу кенг ёритилди, сўнгра амалий машғулотлар ва савол-жавоблар тарзида давом эттирилди. Семинарда валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тайёрлаш, мижозларнинг маблағларини эркин муомаладаги валютага конвертация қилишни амалга ошириш ва валюта маблағининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш, чет эл валютасидаги опера-



цияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш, банк мижозлари томонидан амалга оширилган тўловлар учун воситачилик ҳақини ундириш ва филиал даромадига кириш қилиш, валютасий своп операцияларини амалга ошириш, хорижий валютадаги ҳужжатли амалиётлар: аккредитивлар, банк кафолатлари ва тўловлар каби мавзуларга батафсил тўхталиб ўтилди.

**Бекзод АКРОМОВ.**

## Самарали фаолият – барқарорлик ОМИЛИ

Бир неча йилдирки, етакчи халқаро рейтинг агентликлари – «Fitch Ratings» ва «Moody's» «Асака» акциядорлик тижорат банкига юқори рейтинг баҳоларини тақдим этиб келмоқда. Эътиборлиси, халқаро таҳлилчилар банк фаолиятини чуқур ўрганиб, истиқболли «барқарор» эканлигини қайта тасдиқламоқда.

Бу шундан далолатки, «Асака» банк ўз фаолияти давомида тизимга доир барча меъёрларга амал қилган ҳолда давлат ва жамият олдидаги вазифаларини намунали адо этиб, ўзи ҳам самарали натижаларга эришиб келмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида муассаса томонидан инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик, барқарорлик ва асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсиши таъминланиб, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш йўлида фаол ишлар олиб борилди. Бунинг самараси ўлароқ, банк жами активлари 5 911,7 млрд. сўмга ўсиб, 13,56 трлн. сўмни, жами капитали 171,0 млрд. сўмга ўсиб, 1 147,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Тармоқ тузилмалари жиҳатидан ҳам бугунги кунда «Асака» банк энг кенг қамровга эга муассасалар қаторидан ўрин олган. Унинг 26 та филиали, 86 та мини-банки, 256 та чакана банк хизматларини кўрсатувчи шохобчаси турли хўжалик тузилмалари ҳамда кенг жамоатчиликка замонавий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳисобот даврида банк мижозлари базаси 191,4 мингга кўпайиб, улар сони 1 966,7 минг нафарни ташкил қилди.

Кредитлаш фаолияти тизимдаги муҳим йўналишлардан саналади. Шу боис «Асака» банк ўз олдига қўйилган режа, шунингдек, ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларни вақтида бажариш мақсадида кредит қўйилмаларини диверсификациялаб, кредит портфели сифати ва самардорлигини ошириш, оқилона кредит сийсатини юритишга ҳаракат қилади.

Шу кунга қадар олиб борилган чоратадбирлар натижасида муассасанинг ушбу йўналишдаги фаолияти барқарорлашиб, кредитлаш имконияти янада ортди.

(Давоми 9-бетда).

Реклама

**«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ жамоаси қадрли юртдошларимиз ва банк мижозларини бетакрор айём — Мустақиллик куни билан самимий табриклайди!**

*Шундай қувончли кунларда барчага тинчлик-омонлик, бахту саодат, оилавий хотиржамлик, озод Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.*

**Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!  
Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!**

**O'ZSANOATQURILISHBANK** **Хизматлар лицензияланган.**

**Вақт давомида синалган ишонч!**  
**www.uzpsb.uz**

Реклама



# MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк»

акциядорлик-тижорат банки

жамоаси барча юрtdошларимизни

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

26 йиллиги билан сизқидилдан

табриклайди!

«Микрокредитбанк» АТБ аҳолига

«Фаровон ҳаёт», «Пойдевор», «Самара», «Омад»,  
«Ёшлик», «Жозиба», «Адолат», «Оила жамғармаси»

номли янги омонат турларини таклиф этади.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ –  
ТАДБИРКОРЛИК, БУЊЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚИЁТ ХИЗМАТИДА!

Тел: (99871) 202-99-99

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Самарали фаолият – барқарорлик ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 8-бетда).

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, иқтисодийнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 7 990,3 млрд. сўми ташкил этиб, уларнинг асосий қисми (7 690,2 млрд. сўми, шу жумладан, 6 674,8 млрд. сўми инвестицион кредитлардир) узоқ муддатли кредит сифатида ажратилди.

Инвестицион лойиҳалар сифатида банк томонидан автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил саноат, озиқ-овқат, фармацевтика, транспорт, қурилиш ва шу сингари барча муҳим тармоқларга доир бизнес-режалар қабул қилиниб, молиялаштирилмоқда. Ўтган олти ойда мазкур мақсадда 1 285,7 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди, 62,1 млрд. сўм миқдоридан лизинг хизматлари кўрсатилиб, лизинг портфели ҳажми 154,6 млрд. сўмга етказилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларда «Асака» банкнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Ўтган даврда барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектлари 1 045,7 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Шу жумладан, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга 93,7 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 158,7 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка 9,7 млрд. сўм, таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 9,1 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга 472,7 млрд. сўм ҳажмида сармоялар йўналтирилди.

Бу ўз ўрнида республикамизнинг барча, айниқса, меҳнат ресурслари зич жойлашган ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишга имконият яратди.

Назира МАВЛОҲОВА.

## Ишбилармон аёллар сараланди

(Давоми. Бошланиши 7-бетда).

– «Ишбилармон аёл» кўрик-танлови партия дастури ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалар доирасида ўтказилди, – дейди **О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Севара Муслимова**. – Унинг ҳудудий босқичларида республикамизнинг энг чекка, олис туманларида фаолият юритувчи тадбиркор, фермер ҳамда ҳунарманд хотин-қизларнинг тўла қамраб олиниб, янги иқтидор эгалари кашф этилганлиги ўта аҳамиятлидир.

Бизнеснинг турли йўналишларидаги ташаббускор 57 нафар аёл танловнинг республика босқичида фаол қатнашди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси, хусусан, чеварчилик, қандолатчилик, қарвинг санъатига доир маҳсулотлар намоиши иштирокчиларда миллий

гурур, Ватанга муҳаббат, мустақилликка бўлган шукроналик ҳиссини уйғотди.

Танлов низомига мувофиқ, хотин-қизлар учун қўшимча янги иш ўрни яратган, экспорт билан шуғулланаётган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳисса қўшаётган, шунингдек, аҳолига кўрсатаётган хизматларининг сифатини ошираётган ва фаолиятида янги инновацион гоёларни ҳаётга татбиқ этиб келаётган қатнашчилар ҳам баҳолашда алоҳида эътиборга олинди.

Тадбиркор хотин-қизлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш майдони ва чинакам байрамига айланган мазкур тадбир давомида аёлни, Ватанни, истиқлолни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар садоси остида тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда ҳакамлар томонидан ишбилармон аёл мақомига муносиб кўрилган иштирокчилар номи эълон қилиниб, «Замонавий тадбиркор аёл пор-



трети», «Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли», «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл», «Ташаббускор аёл» каби номинациялар буйича ғолиблар аниқланди. Уларга партия ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кредитлар

– «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Жорий йилнинг 1 август ҳолатига филиал томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 14 171,0 млн. сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда ажратилган кредитлар 1,3 бараварга орди. Ажратилган кредитлар умумий ҳажмида микрокредитлар 9297,0 млн. сўмни ташкил этди, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга

Чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТБнинг Фарғона вилояти Қувасой филиали жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, замонавий банк технологияларини жорий этиш ва интерактив хизматлар доирасини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Мухбиримиз филиал бошқарувчиси Сирожиддин Махсимов билан шулар ҳусусида суҳбатлашди.

3186,0 млн. сўм, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 3320,0 млн. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 6015,0 млн. сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун 3459,0 млн. сўм ажратилди, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 536,0 млн. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 87,0 млн. сўм тақдим этилди. Кредитлар ажратилиши натижасида 83 та янги иш ўрни яратилди.

– Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш йўлидаги ишлар ҳусусида тўхталиб ўтсангиз.

– Жорий йилда филиал жамоаси томонидан банк ресурс базасини ривожлантириш борасидаги мақсадли ишлар давом эттирилмоқда. Шу мақсадда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг омонатларига бўш пул маблағларини жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди. Ҳисобот

даврида саккизта янги турдаги фойдали ва жозибали омонат турлари тақдим этилди. Шунингдек, молиявий секторни ислоҳ қилишнинг долзарб йўналишлари бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Улардан бири – нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллари кенг жорий этилди. Ана шу мақсадни кўзлаб банк пластик карта-

ларини чиқариш ҳажми оширилди, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини терминаллар билан жиҳозлаш давом эттирилди.

Замонавий чакана хизматлар банк ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири, минтақавий тармоқни ривожлантириш омилidir. Филиал банк маҳсулотларини ҳамда сервис сифатини ошириш ва мижозлар вақтини тежаш имконини берувчи технологик ечимларни ривожлантириб, мижозларга хизмат кўрсатишнинг барча босқичлари автоматлаштирилишини таъминламоқда.

**Ҳамдам АМИНОВ**  
суҳбатлашди.

Реклама

## ISTIQLOLIMIZNING 26 YILLIGI BARCHAMIZGA MUBORAK BO'LSIN!



**ИПОТЕКА BANK JAMOASI**

**ИПОТЕКА BANK**


*Imkoniyat yaratamiz*

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Қоракўлда замонавий бозор

Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида Бухоро вилояти Қоракўл тумани марказидаги деҳқон бозори реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.



Президентимизнинг жорий йил 27 мартдаги «2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида бозорда умумий қиймати 7,1 млрд. сўмлик лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки туман бўлими кредити, тадбиркор ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Деҳқон бозоридан 200 раста, гўшт, сут, нон ва нон маҳсулотлари, қуруқ мева ва турли ширинликлар павильонлари ўрин олган. Икки қаватли 14 дўкон ҳам қурилиб, савдо шохобчалари сони 69 тага өтди.

Бозорда яратилган бундай қулайликлар ва савдо маданиятидан харидорлар мамнун.

– Ҳар қандай кишининг ҳавасини тортдиган бозор бўлди, – дейди ўзини **Асрор Раҳматов деб таништираган харидор.** – Бозоримиз доимо тўкин бўлган, лекин шaroит яхши эмас эди. Мана энди нафақат юртдошларимиз, балки хориждан келадиган сайёҳларни ҳам бемалол бозоримизга олиб тушаверамиз. Қаранг, қайси шаҳар бозоридан кам бор? Мустақиллик байрамига ажойиб совға бўлди.

Деҳқон бозори ёнида ҳар бири 200 машинага мўлжалланган 2 автотурароҳ қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ў.А.

Реклама

# Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни  
мамлакатимиз мустақиллигининг

*26 йиллик байрам*

билан чин дилдан табриклаймиз.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик,  
куч-қувват, шунингдек, Ватанимизнинг тараққиёти ва  
фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларида  
янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб Сизга  
янги омонат турларини таклиф этамиз.

«КАФОЛАТ» – омонат, муддати – 12 ойдан 24 ойгача;  
«САМАРАЛИ» – омонат, муддати – 3 ойдан 6 ойгача;  
«РАҒБАТ» – омонат, муддати – 1 ойдан 3 ойгача;  
«ДАРОМАДЛИ» – омонат, муддати – 6 ойдан 12 ойгача.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар  
ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг  
банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди  
томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун:  
(+99871) 150-72-58, 150-39-93.  
www.qqb.uz



«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Бугунга қадар бундай уй-жойларнинг 69 557 таси қурилиб, 83,5 мингдан зиёд оилалар барча қулайликларга эга бўлган замонавий ва шинам уйларга эга бўлишди. Жорий йилнинг ўзида эса яна 15 мингдан зиёд ана шундай арзон уйлар аҳолига топширилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар эса 4369 та хонадон ўз эгаларига тақдим этилди. Бу ҳақда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилишида таъкидлаб ўтилди.

– Бугун юртимизда арзон ва сифатли уй-жойларга эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Буни компанияга келиб тушаётган минглаб мурожаатлардан ҳам билиш мумкин, – дейди компаниянинг Лойиҳаларни бошқариш гуруҳи раҳбари Тоҳир Мамадалиев. – Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида асосан маҳаллий қурилиш матери-

## Мукамаллик касб этиб

Уй-жойли бўлиш халқимиз учун энг муҳим масалалардан бирidir. Шу боис ҳукуратимиз томонидан аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2009 йилдан бўён республика бўйлаб намунали уйлар қурилмоқда.

аллари ва жиҳозлари ишлатилиши ҳамда солиқ, божхона имтиёзлари берилиши ҳисобига намунавий уй-жойларнинг нархи яна ҳам арзонлашиши таъминланмоқда. Уйлайманки, бу халқимиз учун жуда катта енгиллик яратади. Шунингдек, дастлабки тўлов бадали 25 фоиздан биринчи ва иккинчи турдаги арзон уйларнинг эгалари учун атиги 15 фоизга туширилди. Бу арзон уйлар Дастурига қишлоқ аҳолисининг кенг қатламларини жалб этишга кўмаклашмоқда.

Жорий йилда янги қад ростла-

ётган уй-жой массивларида давлат маблағлари ҳисобига ташқи муҳандислик ва транспорт тармоқлари қурилиши амалга оширилади. Хусусан, 415 км ичимлик суви тармоқлари, 317 км газ тармоқлари ва 291 км электр узатиш линиялари, 260 км автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, ушбу уй-жойлар қуриладиган массивларда 134 та ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилиши мўлжалланган. Улар жумласига маҳалла гузарлари, маиший хизмат кўрсатиш мажмуала-

## Байрамни янги уйда нишонлаймиз

Фарғона шаҳрида ёш оилаларга мўлжалланган тўрт қаватли уй фойдаланишга топширилди. 48 хонадондан иборат замонавий уйда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юксак натижаларга эришган ёшлар истиқомат қилади.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиши ва ташаббусларини рағбатлантириш, ёш оилаларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Табиий иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда, замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қисқа муддатда бунёд этилган уй қурилишида юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилди.

– Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибордан нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари, бутун халқимиз хурсанд бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона шаҳар кенгаши раиси Фарҳод Абдиллазов. – Бу уйларида ёш оилаларнинг замонавий ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилган.

Уйларнинг имтиёзли кредит асосида берилаётгани ёш оилаларга Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги олдида муносиб совға бўлди. Янги уйга кўчиб ўтган ёш оилалар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан мамнун.

– Бу қувончли воқеа бутун умр хотирамда қолади, – дейди бокс бўйича кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори Азамат Абдуҳакимов. – Икки хонали уйда оиламиз билан бахтиёр ҳаёт кечиришимиз учун барча шароит муҳайё. Биз, ёшлар кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка халқаро майдонларда эришадиган ютуқларимиз билан жавоб берамиз. Энг улуғ, энг азиз айём – мустақиллигимизнинг 26 йиллиги байрамни янги уйда нишонлаймиз.

ЎЗА.

ри, савдо шохобчалари, мини-банклар ва бошқа объектлар қиради. Амалга оширилаётган бундай ишлар натижасида қишлоқларимизда бутунлай янги, мукамал архитектуравий кўриниш пайдо бўлиб, шаҳарлардан қолишмайдиған имкониятлар яратилади, дея таъкидланди анжуманда.

Дарҳақиқат, бир неча йил олдин бу турдаги уйларнинг айримларида муаммолар кузатилаётган, пудрат ташкилотларининг сифатсиз ишидан компания ва аҳоли ўртасида норозилик юзага келаётган эди. Шу боис жорий йилдан бошлаб, уй-жойларнинг сифати масаласи биринчи ўринга қўйilib, назорат кучайтирилди. Натижада мустаҳкам ва мукамал иншоотлар қад ростлаб, мижозларнинг мамнун бўлишига замин яратмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

## Узумини еганда, боғини ҳам суриштиринг

«Ўзвиносаноат-холдинг» акциядорлик жамияти жорий йилда фермер хўжаликлари билан 122 минг тонна узум ҳосилини харид қилиш бўйича шартнома имзолади. Саноатбоп узумнинг ҳар килоси учун ўртача 500 сўмдан бўнак пули тўлаб берилди.

Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ўзвиносаноат-холдинг» акциядорлик жамиятининг истиқболдаги вазибаларга бағишланган матбуот анжуманида саноатбоп узум навлари хўраки навларга нисбатан кўпроқ ҳосил бериши қайд этилди. Мисол учун, саноатбоп узум барча агротехник қондаларга амал қилиб парваришланса, гектарига 250-300 центнер, кишмишдан эса 180 центнер маҳсулот олинар экан.

Айни вақтда юртимизда 148,6 минг гектар узумзор мавжуд. Қайта ишлаш

корхоналарини сифатли узум билан таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда узумчиликка ихтисослашган қирқдан зиёд агрофирма ташкил этилди.

Тизимдаги корхоналар тоқзорлар яратиш билан чекланиб қолмасдан, муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ҳам ҳисса қўшмоқда. Мисол учун, 1 250 гектар тоқзор ораларида сабзавот экинлари экилиб, 8 284 тонна маҳсулот етиштириш мўлжалланмоқда.



Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларининг ва ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган саволларга мутахассислар жавоб берди.

Ў.А.

## Истеъмолчи манфаати ҳимояда

Айни дамда ҳукуратимиз томонидан халқ манфаатини ҳимоя қилиш устувор вазифа эғиб белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан ҳам бир қатор амалий ишлар қилиб келинмоқда. Пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда бу ҳақда таъкидлаб ўтилди. Ташкил этилган тадбирнинг бош мавзуси ҳам истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб, унда аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш ва реклама бозорини тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Бугун истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир қатор ташкилотлар иш олиб бормоқда. Жумладан, Кўмита таркибидаги Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини назорат қилиш бошқармаси ҳам, мана неча йилдирки, самарали фаолият юритмоқда.

— Аҳоли ўртасида ўтказилган тушунтириш ишлари натижаларига кўра, фуқароларнинг ваколатли органларга мурожаатлари сони кўпаяётгани кузатишмоқда, — дейди сўзга чиққан бошқарма бошлиги ўринбосари Дехруз Юнусов.

— Бу эса истеъмолчилик маданияти ошгани ва жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқариш механизмлари фаоллашганидан далолат беради. Мисол учун, шу йилнинг биринчи ярмида Кўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича 4 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Маъмур мурожаатларни ўрганиб чиқиш натижасида 1,6 млрд. сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинган. Афсуски, мурожаатларнинг аксарияти ҳанузгача коммунал соҳага тегишли бўлиб, кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифати, уй-жой коммунал хизматлари тарифларини тўлашда юзага келаётган муаммолар, ортиқча маблағ ҳисоблаш каби ҳолатлар кўтарилган. Шу соҳа бўйича жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 2836 нафар истеъмолчи қабул қилиниб, шундан 1578 таси газ таъминоти, 1202 таси эса электр таъминоти ва бошқа соҳаларга тўғри келган. Жойлардаги мурожаатларни ўрганиш ва ҳал этиш натижасида истеъмолчилар фойдасига 276,0 млн. сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фуқаролар ҳуқуқлари бузилган тақдирда зудлик билан оғзаки ёки ёзма равишда корхонанинг мансабдор шахсига эътироз билан мурожаат қилишлари лозим. Истеъмолчининг ҳуқуқлари қайта тикланмаса, у истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли давлат тузилмалари, маҳаллий ҳокимият органлари ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

Реклама

# ALOQABANK

**АТ «Алоқабанк» жамоаси  
Сизларни энг улуғ,  
энг азиз байрамимиз —  
Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги  
билан самимий муборакбод этади!**

**Айём муносабати билан барчангизга  
тансиҳатлик, хотиржамлик ҳамда  
Ватанимиз равнақи йўлидаги  
меҳнат фаолиятингизга  
муваффақият тилайди!**

**Мустақиллигимизнинг  
26 йиллиги  
муборак бўлсин!**

[www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz)

Хизматлар лицензияланган.

Реклама


**TURON  
BANK**


**«Туронбанк» АТБ жамоаси халқимизни  
жонажон Ватанимизнинг истиқлол  
байрами – Мустақиллигимизнинг  
26 йиллик қутлуг санаси билан самимий  
муборакбод этади!**

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)  
Хизматлар лицензияланган.

## Банк кўмагидаги «Олтин соҳил»

Бугунги кунда тижорат банклари «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, жойларда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муаммолар билан яқиндан танишмоқда. Мақсад – юртимизнинг чекка худудларида ҳам инфратузилмани ривожлантириб, халқимизнинг турмуш тарзини янада фаровонлаштиришдан иборат.

Жумладан, ТИФ Миллий банки аҳолининг маиший аҳолини яхшилаш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун сифатли, хавфсиз ва қулай шарт-шароитлар ҳозирлаш, айниқса, ёш авлодни соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш ва спорт билан шуғулланиши бўйича кенг имкониятлар яратиш, шунингдек, шаҳарларда экологик мувозанатни таъминлаш мақсадида юртимизнинг йирик шаҳар ва туман марказларида мавжуд маданият, дам олиш ва истироҳат

боғларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш чора-тадбирларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Муассаса фаолиятида жорий йил бошидан молиялаштирилиши бошланган ана шундай мазмундаги лойиҳалар бугун мустақиллик байрами арафасида ишга туширилмоқда.

Маҳаллий аҳоли, айниқса, болажонларга чексиз қувонч бағишлаётган бундай объект, аниқроғи, дам олиш маскани жорий йилнинг 12 август куни Андиджон вилоятининг Олтинкўл тумани-

да фойдаланишга топширилди. «Олтин соҳил» номли ушбу боғ майдони 5,5 гектарни эгаллаган бўлиб, у ерда дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш ҳамда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Айни пайтга қадар ушбу минтақада мавжуд бўлмаган ғаройиб аттракционлар нафақат болалар, ҳатто катталарни ҳам ҳайратга солмоқда.

Боғни барпо этишда турли тадбирлар ўтказиш, концерт дастурлари уюштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, маскан марказида амфитеатр қурилган.

Ҳар томонидан сув оқиб ўтадиган, соя-салқин дарахтлар панасидаги сўрилар каттаю кичикка бирдек манзур бўлмоқда.

– Бундай йирик боғнинг ишга туширилиши туманимиз аҳли, айниқса, бо-

## Аҳолига айём тухфалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Олтин куз» омонати учун белгиланган бошланғич бадалнинг минимал миқдори 500 000 сўм бўлиб, унда миҳоз сармоясига 1 йил муддат сақланади. Депозитга маблағлар нақд пул кўринишида, пластик карточкадан ҳамда бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига қабул қилинади.

Мазкур ҳар икки омонатга ҳам қўшимча бадаллар киритиб бориш мумкин, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар эса, капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисобварағига кирим қилиш орқали тўланади.

ТИФ Миллий банки шунингдек, кўп сонли миҳозларининг талаб ва истакларини инобатга олиб, юқори фоизли «Халқ манфаати» номли омонатга маблағларни қабул қилиш муддатлари узайтирилганлигини маълум қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ушбу омонат «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси доирасида жорий қилинган бўлиб, унинг сақлаш муддати 6, 9, 12 ой, қабул қилинадиган бошланғич бадалнинг минимал миқдори 5 000 000 сўмдир. Омонатга маблағлар нақд пул кўринишида (қўшимча бадаллар билан) қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, талаб қилиб олинмаган фоизлар эса, капитализация қилинмаган ҳолда талаб қилиб олгунча ҳисобварағига кирим қилиш орқали тўлаб берилади.

Байрам муносабати билан «Асака» акциядорлик тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган омонат «Мустақиллик-2017» дея номланди. Сақлаш муддати 5 ой бўлган мазкур депозитга ҳисобланган фоиз тўловлари унинг муддати туганидан сўнг берилиши қайд этилган.

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» миҳозларида эса муассаса томонидан янги ишлаб чиқилган «Нурафшон» номли омонат катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу муддатли (3, 6, 12 ой) депозитга ҳисобланган фоизлар омонатчи хоҳишига кўра ҳар ойда ёки унинг сақланиш муддати туганидан сўнг нақд пулда тўланади ёхуд унинг пластик картасига ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, айни шуқўҳли кун арафасида «Қишлоқ қурилиш банк», «Агробанк», «Микрокредитбанк» каби акциядорлик тижорат банкларида жорий қилинган янги омонатлар ҳам кенг омма диққатини тортаётгани эътиборга моликдир.

Назира МАВЛОнова.

лаларга чексиз қувонч улашди, – дейди Олтинкўл туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси Гулнора Аҳмедова. – Барча шароитларни яратиб бераётган ҳуқуматимиз раҳбарияти, шунингдек, ТИФ Миллий банки жамоасига миннатдорчилик билдираимиз. Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида ана шундай хурсандчилик кунлар бардавон бўлаверсин.

Айтиш жоиз, мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш учун 5 ой вақт сарфланди. Бунда хитойлик мутахассислар ТИФ Миллий банки билан ҳамкорлик қилиб, Хитойдан 22 донат аттракцион ҳам келтирилди. Яқин истиқболда 10 та ана шундай мосламалар олиб келиниши режалаштирилган.

Тез орада Олтинкўл туманидаги ушбу боғда 500 кишига мўлжалланган сувли кўнгилочар маскан – ёпиқ аквапарк ҳам фойдаланишга топширилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

## Спорт анжомлари – соҳа ривожининг муҳим омили

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилётган алоҳида эътибор ишбилармонлар сафининг кенгайиши ҳамда истикболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сардор Раҳимов мамлакатимизда тадбиркорлик учун яратилган қулай шароитлардан унумли фойдаланиб, очик спорт майдончалари ва ўқув муассасаларидаги спорт заллари учун «Turpik.uz» бренди остида спорт анжомлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аввалига корхонада фақат турник ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир тайёрланаётган спорт анжомларининг тури икки юздан ошди. Хусусан, бу ерда илғор технологиялар асосида баскетбол ва гимнастика ҳалқалари, эспандерлар, тирмашиб чиқиш учун тахта ва арқон ишлаб чиқарилмоқда. Турли бокс қўлқоплари ва қоллари ҳам харидорларга манзур бўлаётир.

Спорт залига боришга вақт тополмайдиган, бироқ ҳамisha жисмонан тетик юришни истайдиганлар учун гимнастика машгулотларига мўлжалланган

анжом, турник ва бруслар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот сифати хорижикидан қолишмайди, нархи ҳам арзон.

Корхона жамоаси янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш, сифатини яхшилаш ҳамда таълим муассасаларига спорт анжомлари етказиб беришни янада кенгайтиришни режалаштирмоқда.

– Юртимизда ҳар йили кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилмоқда, – дейди **С.Раҳимов**. – Мамлакатимизда юксак халқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида ушбу биноларни зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш ишлари янада энгиллашди. Илгари деярли барча турдаги спорт анжомлари импорт қилинган бўлса, бугун уларнинг аксарияти

маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётир. Рақобатнинг кучайиши, ўз навбатида, маҳсулот сифатининг янада ошиши ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган шароитлар, хусусан, энг чекка қишлоқларда ҳам муҳташам спорт иншоотлари барпо этилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланганини кўриб, кўзингиз қувнайди. Спортни янада ривожлантириш, спорт иншоотлари қуришга қаратилаётган эътибор, бу борада зарур жиҳоз ва ускуналар ишлаб чиқариш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар давлатимизнинг баркамол авлодни вояга етказишга доир пухта ўйланган сиёсати самарасидир.

Ў.А.

## Тадбиркорларни ҳимоялашнинг янги механизми

(**Давоми. Бошланиши 7-бетда**).

– Палата томонидан ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, уларга тизимли кўмаклашишни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислом Жасимов**. – Шу мақсадда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда ҳудудий касб-ҳунар тайёрлаш марказларининг тингловчилари учун «Бизнес билан танишув» комплекс модул ўқув қўлланмаларининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон бизнес-форуми (III босқич)» лойиҳаси доирасида инновацион тадбиркорлик жорий этилишини фаол қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш мақсадида

«Start-up» лойиҳаларни саралаш босқичлари ўтказилди. Олийгоҳларда таълим олаётган талабалардан келиб тушган 419 та лойиҳадан 30 таси танлаб олинди.

Бундан ташқари, Савдо-саноат палатасида дипломатик корпус, хорижий ташкилот ва компаниялар вакиллари билан мунтазам учрашувлар ташкил этилмоқда. Жорий йилнинг сўнгги икки ойида 122 тадбиркор халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Тадбиркорларнинг билимини ошириш мақсадда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинаётган ўқув семинарлар, давра суҳбатларида экспорт фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий асослари, маҳсулотни сотиш мумкин бўлган хорижий бозорлар, ҳамкорлар топшининг қоида ва тартиблари, ишбилармонлик ҳужжатларини тузиш ҳақида маълумотлар тақдим қилинмоқда.

**Ширин БАЙСЕНОВА.**

Реклама

**KAPITALBANK**

*Мустақиллик  
муборак бўлиши!*

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

Intelligent  
**Solutions**

**BUTUN O'ZBEKISTON AHLINI  
RESPUBLIKAMIZ MUSTAQLLIGINING  
26 YILLIGI BILAN TABRIKLAYMIZ!  
FAROVON HAYOT VA OLDINGIZGA QO'YGAN BARCHA  
MAQSADLARINGIZGA ERISHISHINGIZNI TILAYMIZ!**

Хизматлар лицензияланган.

## Мобиль база станциялари кенгайди

Технологияларнинг жадал ривожланиб бориши натижасида мобиль алоқа хизматларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Халқаро электр алоқа иттифоқи томонидан жорий йилнинг 1 август кунги эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, ҳар йили мобиль интернет фойдаланувчилари сони 20 фоизга, симли интернет фойдаланувчилари сони эса 9 фоизга ортмоқда. Бундай кўрсаткичлар жаҳон миқёсида ўрнатилган 10 млн. дан зиёд мобиль алоқа база станциялари ёрдамида таъминланади.

Бундай ўсиш тенденцияларининг мамлакатимиздаги ҳолати бўйича пойтахтимизда «Ўзбекистонда мобиль алоқа: муаммо ва ечимлар» мавзусида ўтказилган анжуманда ахборот берилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган мобиль операторлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилишича, 2015 йилда мобиль алоқа фойдаланувчилари сони 20 млн.лик чегарадан ўтган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 21,5 млн.дан ошди, интернет фойдаланувчилари эса, 2015 йилда 10,2 млн.ни ташкил қилган бўлса, жорий йилда қарийб 15 млн.га етди.

Мобиль алоқа сифати мазкур мобиль база станциялари сони ҳамда уларнинг жойлашуви билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда бундай станциялар 2016 йилда 16,2 мингтага, 2017 йил бошида 18,1 мингтага, бугунги кунга келиб эса 18 690 тага етказилди. Бу йўналишдаги хизмат кўрсатиш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 18,7 фоизга оширилди.

– Ҳозирда мобиль алоқа фақат сўзлашув учун эмас, маълумотлар алмашиш, интернетга уланиш, онлайн тўлов терминаллари ишлаши, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб турдаги фаолият учун зарур бўлиб, унга барча аҳоли пунктларида, шу жумладан,

олис қишлоқларда ҳам талаб ортиб бормоқда, – дейди **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** **Шерзод Шерматов**. – Мана шу жараёни ҳисобга олиб, вазирлик томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси доирасида чора-тадбирлар белгилаб олинган. Унга кўра, жорий йилда мамлакатимиз бўйлаб 1843 та база станциясини ўрнатиш кўзда тутилган.**

Тадбирда мутахассислар кейинги йилларда база станцияларининг зарари тўғрисида интернетда кенг тарқалган турли миш-мишларга ҳам ойдинлик киритиб ўтдилар.

Таъкидланишича, электромагнит тўлқинларнинг инсон саломатлигига таъсири 1960-йиллардан бундан ўзгариб келинмоқда. Ушбу ўрганишлар натижалари асосида миллий ва саноат стандартлари, нормаларини ишлаб чиқишда қўллаш учун электромагнит нурланишларнинг чегаравий кўрсаткичлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

2006-2011 йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган баёнотларда мобиль алоқа база станциялари ва мобиль телефонлардан тарқайётган тўлқинлардан ҳосил бўлган электромагнит майдонининг инсон саломатлигига таъсири ўз исботини топмагани қайд этилган.

Ташкилот хулосасига кўра, ионлаштирмайдиган нурланишлардан ҳимоялаш бўйича халқаро комиссия меъёрларига кўра, 900 МГц частота полбасида инсон танасининг ҳар бир квадрат сантиметр майдонига таъсир қилувчи электромагнит энергия қуввати зичлиги 450 микроваттга, 1 800 МГц частота полбасида 900 микроваттга бўлиши мумкин. Электротехника ва электроника муҳандислари институти меъёрларига кўра, ушбу кўрсаткичлар мос ра-

вишда 900 МГц частота полбасида 270 микроваттга, 1 800 МГц частота полбасида эса 6000 микроваттга бўлади. Тўлқин оқимининг зичлиги шу меъёрлар даражасида бўлган тақдирда инсон саломатлигига зарар етказмаслиги расман эълон қилинган.

Тадбирда Ўзбекистонда мобиль алоқа база станцияларидан нурланиш бўйича қўлланилаётган меъёрлар жаҳонда белгиланган меъёрлар ичида энг паст кўрсаткичга эга эканлиги айтиб ўтилди.

База станцияларининг ишлаш қуввати, мобиль алоқа диапазонидидаги электромагнит энергия қуввати зичлиги мамлакатимизда ҳар бир квадрат сантиметр майдонга 2,5 микроваттдан ошмаслиги белгиланган.

Санитария-эпидемиология назорати марказининг Санитария, гигиена ва касб касалликлари лабораторияси бу йўналишда изланишлар олиб боради. Мазкур марказ хулосаси ҳам бугунгача радиотехника воситаларидан тарқалаётган нурларнинг санитария зарарлари аниқланмаганини кўрсатмоқда. Аксинча, аҳоли бу антенналарнинг маҳалла ва бино томларида, уларга яқин ҳудудда жойлаштирилишидан хурсанд бўлиши лозим. Бунинг сабаби хусусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика бош давлат санитария вазири Саидмурод Саидалиев изоҳ берди:

– Инсон қўлидаги мобиль алоқа телефонини ҳамда база станцияси ўртасидаги масофа ва тўсиқлардан келиб чиқиб автоматик равишда ўз нурланиш қувватларини оширади ёки камайтиради. Яъни база станцияси қанча узоқда бўлса, қўлингиздаги телефоннинг нурланиш қуввати шунчалик ошади. Бунда мобиль алоқа база станциясининг қуввати эмас, балки қўлингиздаги телефон нурланишининг таъсири юқорироқ. Бу тўғри келган жойларга база станцияларини ўрнатиш керак дегани эмас, албатта. Ҳаммаси ўрнатилган тартибда, қўнийи меъёрлар асосида амалга оширилиши лозим.

Назира МАВЛОНОВА.

## Италияда QR-код орқали тўловларнинг оммалашуви

Италиянинг «р2р» ўтказмалар сервиси «Jiffy» чакана савдо дўконларида сезиларли фойда эгасига айланади. Аниқроғи, синов вақти давомида ушбу хизмат туридан Милан, Рим ва Туриндаги 150 та савдо нуқталарида фойдаланиш мумкин.

Ушбу хизмат тури мижознинг банк ҳисоб рақамидан пул ўтказишни назарда тутаяди. Аниқлик киритилишича, ҳозирда QR-коддан 4,2 млн. италиялик фойдаланиб келмоқда.

Дўконларда ушбу хизмат турунинг пайдо бўлиши харидор учун қатор қулайликларни яратаяди. Хусусан, харидор сотувчининг мобиль иловаси орқали шакллантирилган QR-кодни сканер қилишининг ўзи кифоя. Ўз навбатида, сотувчи тўлов амалга оширилгани тўғрисидаги маълумотни текширади ва PIN-код ёки бармоқ излари орқали жараёни тасдиқлайди.

Сотувчи ва харидор транзакция натижалари тўғрисида ўша вақтнинг ўзида хабар олади, ўтказилган маблағ эса сотувчининг жорий ҳисоб рақамига ўтказилади.

Смартфонларда «Android», «iOS» ва «Windows Phone» операцион тизими ёрдамида «Jiffy» сервисидан фойдаланиш мумкин. Ушбу сервис ўзининг тезлиги ва пул ўтказмаларидаги қўлайлиги билан ажралиб туради.



Маълумки, «Visa» тўлов тизими QR-код орқали мобиль тўловларни тўлаш имкониятини кенгайтирмоқда. Ушбу сервисдан асосан дунёнинг ривожланган давлатларида фойдаланиб келинмоқда.

## Мобиль ҳамёнлар глобаллашуви йўлида

«PayPal» тўлов гиганти мобиль тўловлар бозоридagi иштирокини кенгайтиришда давом этиб, Хитой компанияси «Baidu» билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида маълум қилди.

Ушбу ҳамкорлик Хитой компанияларининг 100 млн. мобиль ҳамёнларининг фойдаланувчилари учун «Baidu» сервиси орқали «PayPal» ни ишлатишдан 17 млн. нафар тадбиркорга тўловларни амалга ошириш имкониятини яратаяди.

Яқинда «PayPal» тўлов гиганти «Apple» билан интеграциялашувини кенгайтириш ҳолда, «Samsung Pay» компаниясининг тўлов воситасига айланганди. Шунингдек, компания «Citi» ва «Chase» билан ҳам битимни имзолаган эди. Бу эса ўз навбатида, тезкор банк ўтказмаларини амалга ошириш ва дунё бўйлаб тадбиркорлар учун сотувни энгиллаштиришга олиб келди.

Жасур МИРЗАЕВ тайёрлади.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Реклама



«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки жамоаси

Ўзбекистон аҳолисини энг улуғ,  
энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз  
Мустақиллигининг 26 ЙИЛЛИГИ  
билан чин дилдан муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда хонадонингизга  
бахт ва омад, дастурхонингизга  
тўкин-сочинлик ва муқаддас  
Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги  
бунёдкорлик фаолиятингизда улкан  
зафарлар тилайди!

Байрам муносабати билан «Трастбанк» ХАБ миллий валютада  
«Барқарор» номли муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

- ◆ Омонатнинг сақланиш муддати – 6 ой, 12 ой, 18 ой;
- ◆ Мазкур омонатга аҳолидан пул маблағлари  
нақд пул шаклида қабул қилинади;
- ◆ Омонат бўйича бошлангич бадал миқдори 1 млн. сўм;
- ◆ Омонат бўйича фоизлар мижоз хоҳишига кўра ойма-ой ёки  
омонат муддати охирида тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз «Фуқароларнинг банклардаги  
омонатларини кафолашлатиш фонди» томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+ 99871) 244-51-95;  
Call center: (+998 71)140-00-88

«Трастбанк» – ишонч билан юзма-юз!

www.trustbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Банк ахборотномаси» ва «Банковские вести» газеталарига  
2018 йил учун обуна давом этмоқда.

Газетанинг обуна индекслари:

Ўзбек тилида – 102; рус тилида – 104

Батафсил маълумот учун телефон: 0(371) 232-45-32

Шодиёналар  
байрамларга улашиб

Шу кунларда юртимизнинг барча  
гўшаларида байрам шукуҳи кезмоқда.  
Ана шундай шодиёна кунларда тур-  
ли мукофотлар ва рағбатларнинг жой-  
рий этилгани юртдошларимизга яна-  
да хурсандчилик бахш этмоқда.

Жумладан, яқинда Президентимиз  
Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Рес-  
публикаси давлат мустақиллигининг йи-  
гирма олти йиллик байрамига тайёргарлик  
кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори  
ижроси доирасида Ўзбекистон электрон ом-  
мавий ахборот воситалари миллий ассоциа-  
циясининг «Медиа-холл»ида «Энг улуғ, энг  
азиз» республика кўрик-танлови ғолиблари  
ва совриндорларини тақдирлашга бағиш-  
ланган маросим бўлиб ўтди.

Унда турли вазирлик ва идоралар, ижод-  
дий ва жамоат ташкилотларининг вакил-  
лари, адабиёт, маданият ва санъат на-  
моёндалари, маънавият тарғиботчилари,  
журналистлар, умуман, барча ижод аҳли  
жам бўлишди. Йигилганларни Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлиги бош ди-  
ректору Л.Тангриев ва бошқалар буюк ва  
бебаҳо неъмат – мустақилликнинг миллий  
тараққийтимиз, бугунги ва келгуси авлодлар  
тақдири, келажги учун бекиёс аҳамияти  
ортиб бораётгани, халқимизнинг манфа-  
атлари, тинч ва осуда ҳаётини таъмин-  
лаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги  
обру-эътиборини юксалтиришга хизмат  
қилаётганини таъкидлаб, муқаддас байра-  
мимиз – мустақиллигимизнинг 26 йиллиги  
билан муборакбод этишди.

Ана шундай шукуҳли кунларда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият  
вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшма-  
си, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекино» Мил-  
лий агентлиги, Бадиий академия, «Тасви-  
рий ойна» уюшмаси, Миллий телерадио-  
компания, Электрон ОАВ миллий ассоциа-  
цияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида  
ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-  
танловининг ташкил этилгани йигилганларга  
байрамонга кайфият улашди. Йигирма йил-  
лик тарихга эга кўрик-танлов бу йил «Фидо-  
ийннг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» деган эз-  
гу ғоя асосида бўлиб ўтди.

Танловга адабиёт, босма ва электрон  
оммавий ахборот воситалари, тасвирий  
санъат, фотография, дизайн, кино йўна-  
лишлари бўйича қарийб 500 ижодкордан  
5 мингга яқин иш келиб тушган бўлиб, улар  
орасидан 25 нафар муносиб номзодларнинг  
ишлари ғолиб деб топилди.

– Ишларни баҳолаш ниҳоятда қийин кеч-  
ди. Лекин, барибир улар орасидан тур-  
ли йўналишлар бўйича 25 қатнашчи сара-  
лаб олинди, – дейди танлов ҳайъат раиси  
Шухрат Ризаев. – Ўйлайманки, ғолиблар  
бундан кейин ҳам янада шижоат билан ижод  
қилиб, ўз Ватанига муносиб бўлишади.

Тадбирда ғолиб ва совриндор ижод  
аҳлига диплом ва эсдалик совғалари топ-  
ширилди. Хурсандчилик байрамларга ула-  
шиб кетди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кучаси, 23-уй

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан  
«Банк ахборотномаси»да эълон қилинган мате-  
риалларни кўчириб босишга ижозат берилади.  
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва  
кайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда  
0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба  
кунини чиқади.

Буюртма № 1121.

Адади 4831 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 30.08.2017 й., 9.00.